# ҚАЙРОҚ МАССИВИДА МАЛИНА ПЛАТАЦИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИШ ИШЛАРИ ҚИЗҒИН КЕЧМОҚДА

Қайроқ массивида малина платацияси ташкил этиш ишлари қизғин кечмоқда

Қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган ерларни ўзлаштиришга доир амалга оширилаётган ишлар бугун туманимизнинг Қайроқ массивида айниқса, қизғин кечмоқда. Малина плантацияси ташкил этиш учун бошланган ишлар бугун якунига етказилмоқда.

Дасталабки 200 гектар ер майдонида малина плантацияси ташкил этиш учун барча амалий ишлар – ерларни тошлардан тозалаш, текислаш ва экин экишга тайёрлаш вилоятимиз марказидан сафарбар этилган техникалар орқали амалга оширилди. Амалга оширилаётган барча ишлар вилоят ва туман ҳокимлиги томонидан бириктирилган вакиллар томонидан назоратга олинган.

Айни кунда вилоят ҳокимининг бевосита кўмаги туфайли олиб келиган махсус техниклар орқали мембрана ҳовузини тайёрлаш ва ушбу ҳовуз деворларини кенгайтириш ишлари олиб борилмоқда. Мутахассислар томонидан сув тежовчи технологияларни ўрнатиш ва томчилатиб суғориш усулини йўлга қўйиш учун ҳам амалий ишлар қилинаётир.

Сўх тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook | Telegram | Telegram murojaat | Youtube | Instagram

2023-06-12 14:58:17